

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАШАРИПОВА НАСИБА АТАБОВНА

**САНОАТ ҚОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИДА СТОМАТОЛОГИК
КАСАЛЛИКЛАРНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Машарипова Насиба Атабоевна

Саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларни диагностика қилиш ва олдини олишни оптималлаштириш 3

Машарипова Насиба Атабоевна

Оптимизация диагностики и профилактики стоматологических заболеваний у работников промышленных предприятий.....25

Masharipova Nasiba Ataboyevna

Optimization of diagnostics and prevention of dental diseases in industrial employees.....47

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works.....52

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАШАРИПОВА НАСИБА АТАБОЕВНА

**САНОАТ ҚОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИДА СТОМАТОЛОГИК
КАСАЛЛИКЛАРНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.PhD/Tib5568 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Казакова Нозима Нодировна тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент
Расмий оponentлар	Сандов Акбар Ахадович тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор Гаффоров Суннатullo Амруллоевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «16» август куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200126, Бухоро шаҳар, Ғиждувон кўчаси, 23. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99895) 911-00-50; www.bsmi.uz E-mail: info@bsmi.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (59 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200126, Бухоро шаҳар, Ғиждувон кўчаси, 23. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2025 йил «14» август куни тарқатилди.
(2025 йил «14» август даги 38 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Т. Уроков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ф.Р. Камолова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда саноат корхоналарининг ривожланиши натижасида, ишлаб чиқаришдаги зарарли омилларнинг ишчилар саломатлигига салбий таъсири юзага келмоқда. Хусусан, саноат корхоналари ишчиларига пахта ва синтетик чанглар, кимёвий реагентлар, бўёқлар, юқори ҳарорат ва намлик каби омиллар таъсир қилади, бу эса тиш-жағ тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Саноат корхоналари ишлаб чиқаришида қўлланиладиган формалдегид, пероксидлар ва гипохлоридлар каби кимёвий бирикмалар оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватига таъсир қилиб, милк касалликларининг ривожланишига туртки бўлиши, шунингдек кариес ва оғиз қуриши (ксеростомия) хавфини ошириши мумкин.

Жаҳон миқёсида турли стоматологик касалликларни, айниқса, саноат корхоналари ишчилари орасида ташхислаш ва олдини олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Статистик маълумотларига кўра, «...пародонт тўқимаси касалликларининг тарқалиши 90-95% га етади, бу эса янги диагностик ва профилактик ёндашувларни излашни талаб қилади...»¹. Замонавий стоматология нафақат тиш-жағ тизими ҳолатини балки умумий саломатлик кўрсаткичи, беморларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳаёт сифатига таъсир қилувчи омилларни ҳам кўриб чиқади. Кўпгина илмий тадқиқотлар, айниқса, саноат корхоналари ишчилари орасида стоматологик касалликларни ташхислаш ва олдини олиш усуллариини такомиллаштиришга қаратилгандир. Айниқса, «...фақат стандарт диагностик ёндашувларга асосланган текширувларнинг маълумотлилиги кўп ҳолатларда етарли бўлмади...»². Чунки улар ишчиларнинг касбий омиллар ва инфекциян ҳолатини инобатга олмайди, бу эса хавф гуруҳларини аниқлаш ва касалликларнинг ривожланишини башорат қилиш имкониятларини чеклайди. Шу сабабли саноат корхоналари ишчилари орасида стоматологик касалликларининг эрта муддатларда ташхислаш долзарб муаммога айланмоқда.

Ўзбекистон саноат корхоналари ишчиларида учрайдиган стоматологик касалликлар зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсири билан боғлиқ бўлиб, долзарб муаммо ҳисобланади. Кўпгина илмий тадқиқотлар, саноат корхоналари ишчилари орасида стоматологик касалликларни ташхислаш ва олдини олиш усуллариини такомиллаштиришга қаратилган. Бундан ташқари, намлик ва ҳарорат юқори бўлган саноат корхоналари цехларининг микроклими патоген микрофлоранинг кўпайиши учун қулай шароит яратади. Бу эса, ўз навбатида, стоматологик касалликларга чалиниш хавфини оширади. Ушбу омилларнинг барчаси мазкур ишчилар гуруҳидаги стоматологик хавфларни камайтириш мақсадида янада чуқурроқ ўрганиш ва тегишли профилактика чораларини ишлаб чиқишни талаб этади. Саноат

¹ Глазунов О.А. Оценка эффективности лечебно-профилактического комплекса при стоматологических заболеваниях у горнорабочих // Вісник стоматології. - 2021. - № 1. - С.13-16

² Архарова О.Н. Нимаев А.Б., Хасянов А.И. Значение критериев качества жизни для комплексного подхода к диагностике и лечению стоматологических заболеваний // Клиническая стоматология. – 2023. - № 3 (75). - С.62-66

корхоналари ходимларида стоматологик касалликлар кенг тарқалганига қарамасдан, мазкур соҳа бўйича тизимли тадқиқотлар олиб бориш ханузгача долзаб муаммо бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан ушбу тоифадаги ишчиларда касбий омилларнинг тиш-жағ тизими ҳолатига таъсирини комплекс ўрганиш зарурати туғилади.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг хусусан саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларни тарқалиш даражасини аниқлаш, ташҳис қўйиш, даволаш ва ушбу патологиянинг профилактика усуллари ишлаб чиқиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор йўналишнинг 56-мақсад, 4-қисмида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»³ бўйича қатор вазифалар белгиланган. Шунга асосланиб, саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларнинг клиник манзараси ва даволаш хусусиятларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сонли «Бирламчи тиббий санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йигирма йил ичида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқотларнинг таҳлили саноат корхоналарида ишловчи ходимларнинг стоматологик касалликларини ўрганишга бағишланган ишлар сони етарлича эканлигини кўрсатди. Ушбу тадқиқотларда касалликлар кўпайиши, касбий омилларнинг таъсири, диагностика ва профилактика усуллари муҳокама қилинган. Тадқиқотларда пародонт тўқималарининг яллиғланиши ва тиш қаттиқ тўқималарининг патологияларига алоҳида эътибор қаратилган. МДХ давлатлари, хусусан, ўзбек ва Россия Федерацияси олимлари ушбу йўналиш ривожига катта ҳисса қўшишган (В.П.Баранчик, С.А. Касперович, 2019).

Турли мамлакатларда ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар кариес ва

³ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

пародонт касалликлари учраш частотаси ва оғирлик даражасида сезиларли фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Бу эса экологик, ижтимоий, маданий ва ишлаб чиқариш омилларининг таъсири билан боғлиқ. Кимё саноати ишчиларининг 90% дан ортиғи тиш қаттиқ тўқималари шикастланишларига дуч келиши аниқланган (Галикеева А.Ш., 2019). Ушбу ишчиларда КПО индекси 2,0 дан 24,0 гача ўзгаради, бу эса уларнинг ёши, иш тажрибаси, соғлиғи ва сўлак таркибига боғлиқ. Ишлаб чиқариш омиллари, масалан, чангланиш, ҳарорат ўзгариши, механик ва термик омиллар, эмалда ёриқлар ва нокариес касалликлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Тадқиқотлар давомида олимлар саноат корхоналарида ишловчиларда шиллик қават касалликлари назорат гуруҳига нисбатан 16 баробар кўпроқ учраши аниқланди. Иш шароитлари ва оғиз бўшлиғи патологиялари ривожланиши ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлиги тасдиқланди (Юсупов З.Я., Дабуров К.Н., 2017; Ирсалиев Х.И., Чуянова Е.Ю., 2019). J.Werkmeister ва K.Rupper томонидан нефтни қайта ишлаш заводлари ишчилари орасида ўтказилган тадқиқотларда ҳам шунга ўхшаш маълумотлар олинган. Хавф омиллари орасида шовқин, тебраниш, захарли моддалар, ноқулай микроклим шароити ва эмоционал зўриқиш алоҳида ўрин тутади.

Оғиз бўшлиғи тўқималарда ва тиш қаттиқ тўқималарида патологик ўзгаришларнинг сабаблари орасида ишлаб чиқариш муҳити омиллари шовқин, иссиқ микроклим, тебраниш, захарли моддалар, асаб эмоционал, ортиқча юклама ва бошқалар бўлиши мумкин (Гаффаров С.А., Нурматова Н.Т., Олимов С.Ш. 2020).

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ кимёвий моддаларнинг оғиз бўшлиғи аъзолари ва тўқималарига таъсири натижасида тиш ва пародонт қаттиқ тўқималарини шикастлайдиган юқори хавфга эга касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Бу омиллар асосан ривожланиш ва клиник кўрсаткичларга таъсир қилади (Гаффаров С. А., Саидов А.А., 2021; Ибрагимова Ф. И., 2022).

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Хоразм вилояти Шовот тумани “TEXTILE FINANCE HORAZM” МЧЖ Урганч шаҳар “Урганч Бахмал” МЧЖ фаолияти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (02.2019 PhD). «COVID-19дан кейин Бухоро вилояти аҳолисининг соғлиғига таъсир қилувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2022–2026-йиллар) мавзусидаги лойиҳа доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликлар хавфини башоратлашнинг математик моделини ишлаб чиқиш орқали ушбу касалликларни ташхислаш ва олдини олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саноат корхоналари ишчиларининг стоматологик ҳолатини баҳолаш учун тишларнинг қаттиқ тўқималари, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати ҳолатини таҳлил қилиш, шунингдек, ишлаб чиқариш омилларининг

уларнинг саломатлигига таъсирини аниқлаш;

саноат корхоналари ишчиларининг оғиз суюқлигидаги иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларни ўрганиш, касб билан боғлиқ зарарли омиллар, яллиғланиш жараёнлари ва оғиз бўшлиғи тўқималари ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

ОНИР-49-RU сўровномасидан фойдаланган ҳолда стоматологик саломатликнинг саноат корхоналари ишчилари ҳаёт сифатига таъсирини ўрганиш;

касбий омиллар, клиник ва биокимёвий кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда стоматологик касалликлар хавфини башорат қилишнинг математик моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

стоматологик касалликларнинг хавфини башорат қилиш учун яратилган математик моделга асосланган профилактик алгоритм ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилоятидаги саноат корхоналарининг стоматология 043/у шакли («беморларнинг стоматологик стандарт картаси»), амбулатор карталар ва туман поликлиникаси маълумотлари асосида стоматологик текширувдан ўтказилган 20 ёшдан 59 ёшгача бўлган 139 нафар ишчи танлаб олинган. Назорат гуруҳини турли фаолият соҳаларида ишлайдиган 50 нафар шахс ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тиббий ҳужжатлар, оғиз бўшлиғидан олинган суртма, оғиз суюқлиги, қон зардоби, ҳаёт сифатини аниқлашда қўлланилган сўровнома (ОНИР-49-RU) натижалари, биокимёвий иммунологик кўрсаткичлар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Клиник, стоматологик, биокимёвий, иммунологик, рентгенограммалар, қон зардоби ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари сўровномаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларнинг тарқалиши ва оғирлик даражаси ишчиларнинг иш тажрибаси ҳамда касбий зарарли омилларга боғлиқлиги баҳолаш мезонлари асосида аниқланган;

илк бор таклиф этилган комплекс стоматологик ёрдам натижасида саноат корхоналари ишчилари сўлагидаги секретор иммуноглобулин А (sIgA) даражаси меъёр чегарасида бўлиши ҳисобига, узоқ муддатли барқарор ҳимоя тизимига эришилган;

ОНИР-49-RU сўровномасидан фойдаланиш стоматологик ҳолатни акс эттирувчи индексларнинг салбий томондан, ижобий томонга силжиши ҳамда пародонт касалликларни даволаш самарадорлигини, клиник динамикани сезиларли даражада ошириши исботланган;

илк бор қўлланилган математик модел касбий омиллар, клиник ва биокимёвий кўрсаткичларни аниқ намоён этиши, стоматологик касалликлар хавфини башорат қилиши ҳисобига стоматологик касалликларни эрта ташхислаш ва коррекциялаш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналари ишчиларининг касбий омиллари ва намоён бўлган патологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, стоматологик статусни баҳолаш

усули ишлаб чиқилиши, хавф гуруҳларини юқори аниқликда баҳолашга, ташхис сифатини оширишга ва стоматологик текширув ресурсларини оптималлаштиришга имкон яратиши кўрсатиб берилган;

таклиф этилган алгоритм касбий зарарли омиллар таъсири, стоматологик касалликлар ва барча маълумотларни тизимлаштириш жараёнини назорат қилиш имконини бериб, узоқ йиллик иш тажрибасига эга ва юқори даражадаги касб омиллари таъсирига учраган гуруҳлар учун тавсия этилган;

хавф омилини башорат қилишда математик моделни қўллаш диагностика жараёнини мақбуллаштириш, унинг аниқлигини ошириш ва текшириш вақтини қисқартириб, касбий, клиник ва биокимёвий омиллар ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда, хавф гуруҳларини аниқлаш ва даволаш профилактика чора-тадбирлар схемасини ишлаб чиқиш имконини берган;

стоматологик касалликларнинг олдини олиш учун ишлаб чиқилган профилактик схема ишчиларнинг саломатлик ҳолатини ўзига хос хусусиятларини ва организмга касбий муҳитнинг таъсирини олдини олишга ёрдам бериши кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот замонавий, бири-бирини тўлдирувчи объектив, клиник, лаборатор-инструментал текширув маълумотлари, тадқиқот материаллари статистик усулларда қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлигига асосланади. Бундан ташқари, барча натижалар далилий тиббиёт тамойилларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саноат корхоналари ишчиларининг стоматологик саломатлик ҳолатига касбий омилларнинг таъсирини комплекс таҳлил қилиш касалликлари оғирлик даражасининг касбий зарарли омилларга, шу жумладан чангланганлик, кимёвий таъсир ва иш тажрибасининг давомийлигига боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш ҳамда беморларда касалликнинг эрта хавф омилини аниқлаш ва меҳнат қобилиятини тиклаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликлар хавфини ташхислаш ва башорат қилишни такомиллаштириш имконини берувчи алгоритм ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади. Касбий омиллар ва стоматологик касалликларни ҳолатни ҳисобга олишга асосланган ушбу алгоритмни қўллаш диагностика жараёнини оптималлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш

бўйича 2025 йил 7 майдаги №17/03 – сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларнинг тарқалиши ва оғирлик даражаси ишчиларнинг иш тажрибаси ҳамда касбий зарарли омилларга боғлиқлиги баҳолаш мезонлари асосида аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* саноат корхоналари ишчиларининг касбий омиллари ва намоён бўлган патологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, стоматологик статусни баҳолаш усули ишлаб чиқилиши, хавф гуруҳларини аниқроқ баҳолашга, ташхис сифатини оширишга ва стоматологик текширув ресурсларини оптималлаштириш имконини кўрсатиб берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси (23.11.2024 й. №01-61), Қашқадарё вилояти болалар стоматология поликлиникаси (23.11.2024 й. №45-Т), Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси (17.11.2023 й.; №158) ҳамда Хоразм вилоят Хонқа туман тиббиёт бирлашмасида (17.11.2023 й.; №159) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* саноат корхоналари ишчиларида тиш касалликларининг нормал меҳнат шароитида ишлайдиган ишчиларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари асослаб берилганини инобатга олиниши, беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* саноат корхоналари ишчиларининг касбий омиллари ва намоён бўлган патологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда стоматологик касалликларининг ўзига хос хусусиятлари асослаб берилганини инобатга олиниши даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, касаллик асоратларини олдини олишга ҳамда сарфланадиган харажатларни 750000 сўмга камайтиришга имкон берган. *Хулоса:* саноат корхоналари ишчиларининг касбий омиллари ва намоён бўлган патологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда стоматологик касалликларининг ўзига хос хусусиятлари асослаб берилганини инобатга олиниши бюджет маблағларни 750000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: илк бор таклиф этилган комплекс стоматологик ёрдам натижасида саноат корхоналари ишчилари сўлагидаги секретор иммуноглобулин А (sIgA) даражаси меъёр чегарасида бўлиши ҳисобига, узоқ муддатли барқарор ҳимоя тизимига эришилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* таклиф этилган алгоритм касбий зарарли омиллар таъсири, стоматологик касалликлар ва барча маълумотларни тизимлаштириш жараёнини назорат қилиш имконини бериб, узоқ йиллик иш тажрибасига эга ва юқори даражадаги касб омиллари таъсирига учраган гуруҳлар учун тавсия этилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси (23.11.2024 й. №01-61), Қашқадарё вилояти болалар стоматология поликлиникаси (23.11.2024 й. №45-Т), Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси (17.11.2023 й.; №158) ҳамда Хоразм вилоят Хонқа туман тиббиёт бирлашмасида (17.11.2023 й.; №159) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ишчиларда пародонт касалликлари,

тиш қаттиқ тўқималари ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланиб, танланган асосий ва қўшимча гигиеник воситалари ва таклиф қилинган профилактик тадбирлар билан беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларнинг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланлиги ҳисобига 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 200000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларнинг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланлиги ҳисобига 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 200000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: ОНП-49-RU сўровномасидан фойдаланиш стоматологик ҳолатни акс эттирувчи индексларнинг салбий томондан, ижобий томонга силжиши ҳамда пародонт касалликларни даволаш самарадорлигини, клиник динамикани сезиларли даражада ошириши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* хавф омилини башорат қилишда математик моделни қўллаш диагностика жараёнини мақбуллаштириш, унинг аниқлигини ошириш ва текшириш вақтини қисқартириб, касбий, клиник ва биокимёвий омиллар ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда, хавф гуруҳларини аниқлаш ва кейинчалик даволаш профилактика чора-тадбирлар схемасини ишлаб чиқиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси (23.11.2024 й. №01-61), Қашқадарё вилояти болалар стоматология поликлиникаси (23.11.2024 й. №45-Т), Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси (17.11.2023 й.; №158) ҳамда Хоразм вилоят Хонқа туман тиббиёт бирлашмасида (17.11.2023 й.; №159) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларини эрта ташхислаб уларга малакали терапевтик даво танлашни, даволашнинг тавсия этилган техникаси беморларнинг тезроқ тузалишига, поликлиникага қатнаш кунларини қисқартиришга ва шу билан беморлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларнинг эрта ташхисоти амалга оширилиб, уларга малакали даволаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 220000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 136000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларни даволаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 220000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 136000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор қўлланилган математик модел касбий омиллар, клиник ва биокимёвий кўрсаткичларни аниқ намоён этиши, стоматологик касалликлар хавфини башорат қилиши ҳисобига стоматологик касалликларни эрта ташхислаш ва коррекциялаш имконини берган. *Илмий*

янгиликнинг аҳамияти: стоматологик касалликларнинг олдини олишда ишлаб чиқилган профилактик схема ишчиларнинг саломатлик ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини ва организмга касбий муҳитнинг таъсирини олдини олишга ёрдам бериши кўрсатиб берилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят стоматология поликлиникаси (23.11.2024 й. №01-61), Қашқадарё вилояти болалар стоматология поликлиникаси (23.11.2024 й. №45-Т), Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси (17.11.2023 й.; №158) ҳамда Хоразм вилоят Хонқа туман тиббиёт бирлашмасида (17.11.2023 й.; №159) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* саноат корхоналари ишчиларида орасида олиб борилган сифатли стоматологик хизматлар оғиз бўшлиғи касалликларини, айниқса пародонт касалликларини эрта муддатларда аниқлаб ва профилактика тадбирларини амалга ошириш орқали беморларда жисмоний ва рухий ҳолатнинг яхшиланишига эришилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланлиги ҳисобига 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 220000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликларининг тарқалиши ва интенсивлигининг юқори даражалари исботланлиги ҳисобига 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 220000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан 11 та мақола, улардан 10 таси республика ва 1 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда чоп этилган. хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Саноат корхоналари ишчиларининг стоматологик саломатлигини эрта аниқлаш ҳақида замонавий тушунчалар**

(адабиётлар шархи)» деб номланган биринчи бобида тадқиқот натижалари ва илмий иш мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Бундан ташқари саноат корхоналари ишчилари орасида оғиз бўшлиғи касалликларининг прогрессив ўсиши, диагностика ва даво профилактик-чоралар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалликлар диагностикаси ва профилактикаси бўйича беморларнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида саноат корхоналари ишчиларида клиник-стоматологик текширувлар, биокимёвий, иммунологик, рентгенологик ва статистик усуллар, шунингдек, қўйилган вазифаларни ҳал қилишни таъминлайдиган математик моделни ишлаб чиқиш ёритилган. Белгиланган вазифаларга кўра, саноат корхона ишчилари ЖССТ (1985) тавсияларига мувофиқ комплекс стоматологик текширувдан ўтказилган. Тадқиқот 2022-2024 йиллар давомида Хоразм вилояти Урганч шаҳри «Урганч Бахмал» МЧЖ ва «TEXTILE FINANCE KHOREZM» МЧЖнинг 139 нафар ишчилари жалб қилинган. Беморларни иш фаолиятига ва ишлаб турган цех ҳолатига қараб бўйлаш ва ип йигирув цехлари танлаб олинди.

Бўёқлаш цехи (асосий)- 70 нафар бемордан ташкил топди.

Ип йигирув цехи (асосий) -69 нафар бемордан ташкил топди.

Назорат гуруҳи -50 нафар бемордан иборат бўлди.

Тадқиқотда саноат корхоналарининг 20 ёшдан 59 ёшгача бўлган беморлар иштирок этди. Барча иштирокчилар яшаш жойи, цех ва иш тажрибаси бўйича асосий гуруҳларга бўлинган. Назорат гуруҳини жинси ва ёши бўйича асосий гуруҳ билан таққосланадиган, аммо саноат корхонасида ишламайдиган 50 киши ташкил этди. Назорат гуруҳини Хоразм вилоят поликлиникаларига стоматологик ёрдам сўраб мурожаат қилишган беморлар гуруҳидан ташкил этган.

1-жадвал

Тадқиқотдаги беморларининг яшаш жойи бўйича тақсимланиши (n=139)

Гуруҳ	Шаҳар ҳудуди		Қишлоқ жойлари		Жами
	Абс.	(%)	Абс.	(%)	
Бўйлаш цехи	48	68,6	22	31,4	70
Ип йигирув цехи	44	63,8	25	36,2	69
Назорат гуруҳи	30	60,0	20	40,0	50

Изоҳ: Гуруҳлар орасидаги фарқлар $p < 0,05$ бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади.

Бўйлаш цехида ишловчиларнинг 68,6% и, йигирув цехларида ишловчиларнинг 63,8 % и шаҳарда истиқомат қилиши аниқланди. Назорат гуруҳида эса шаҳарликлар 60 % ни ташкил этди. Қишлоқ жойларида яшовчи ишчиларнинг улуши бўйлаш цехида 31,4 %, ип йигирув цехида 36,2 % ва назорат гуруҳида 40 % ташкил этди.

2-жадвал

Тадқиқот иштирокчиларининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимооти (n=139)

Гуруҳ	Жами беморлар (n=139)	22-30 ёш Абс. (n)	22-30 ёш (%)	31-40 ёш Абс. (n)	31-40 ёш (%)	41-52 ёш Абс. (n)	41-52 ёш (%)	P-value
Бўяш цехи	70	20	28,6%	30	42,9%	20	28,6%	p > 0,05
Ип йиғирув цехи	69	22	31,9%	28	40,6%	19	27,5%	p > 0,05
Назорат гуруҳи	50	15	30,0%	20	40,0%	15	30,0%	p > 0,05

Изоҳ: Ўртача қийматлар 95% ишончлилик кўрсатилган. Гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас (p > 0,05).

Бўяш цехи (42,9%) ва йиғириш (40,6%) цехлари ишчилари орасида 31-40 ёш гуруҳи устунлик қилди. Назорат гуруҳида респондентларнинг ёш тоифалари бўйича тенг тақсимланиши кузатилди.

3-жадвал

Тадқиқот иштирокчиларининг жинс бўйича тақсимланиши (n=139)

Гуруҳ	Жами беморлар (n=139)	Аёллар Абс.	Аёллар (%)	Эркаклар Абс.	Эркаклар (%)	P-value
Бўяш цехи	70	59	84,3%	11	15,7%	p < 0,05
Ип йиғирув цехи	69	65	94,2%	4	5,8%	
Назорат гуруҳи	50	39	78,0%	11	22,0%	

Изоҳ: Гуруҳлар орасидаги фарқлар p < 0,05 статистик жиҳатдан аҳамиятли.

Аёллар бўяш цехи ишчиларининг 84,3% ни, йиғирув цехи ишчиларининг 94,2% ни ташкил этди. Назорат гуруҳида уларнинг улуши 78% бўлди. Бўяш цехида ишловчиларнинг 15,7% ни, ип йиғириш цехида ишловчиларнинг 5,8% ни ва назорат гуруҳида 22% ни эркаклар ташкил этди.

Стоматологик статус КПО, ОНI-S, СРITN, КПИ индекслари бўйича баҳоланди. ОНI-S оғиз бўшлиғи гигиеник индекси қониқарлидан қониқарсизгача ўзгариб турди.

s-IgA ва лизоцимни аниқлаш орқали маҳаллий иммунитет ҳолати баҳоланди. Улар ELISA усули ёрдамида («Vector-BestЦ» Россия) оптик зичликни таҳлил қилиш билан амалга оширилди (BioRad Model 680,АҚШ; UV-1800, Shimadzu, Япония).

Қон биокимёвий таҳлили «COBAS 6000» (Roche Diagnostics, Германия) қурилмасида бажарилди ва углевод-липид алмашинуви кўрсаткичларини (глюкоза, холестерин, ПЗЛП, ЮЗЛП, ТГ, атерогенлик индекси) ҳамда яллиғланиш маркерларини (прокалцитонин, VEGF-A) ўз ичига олди.

Рентген диагностикаси ортопантомография (Planmeca ProMax S2 2D, Финландия) ва конус-нурланган КТ (кам дозали нурланиш, 40 мкЗв) усуллари ёрдамида бажарилиб, суяк тўқимаси ҳолати ва пародонт касалликларини баҳолашга йўналтирилди.

Ҳаёт сифати ОНIP-49-RU (49 савол, Ликерт шкаласи) бўйича баҳоланди, бунда юқори баллар функционал ва ижтимоий бузилишларнинг яққол намоён бўлишини кўрсатди.

Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics 21 дастурида бажарилди: Студент т-критерийси ($M \pm SD$, $p \leq 0,05$), корреляцион таҳлил (Spearman)дан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Саноат корхоналари ишчиларида стоматологик касалланиш даражаси ва стоматологик даволаш эҳтиёжини таҳлил қилиш» деб номланган учинчи бобида стоматологик статусни ўрганиш натижалари ҳамда профессионал омилларнинг эркаклар ва аёлларда стоматологик касалликлар ривожланишига таъсири таҳлил қилинди. Бу жараёнда яллиғланиш билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган стоматологик касалликларнинг мавжудлиги ҳисобга олинган.

Оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати таҳлили бўйича бўяш ва ип йиғирув цехлари ишчилари ҳамда назорат гуруҳи ўртасида ОНI-S индексининг статистик жиҳатдан сезиларли фарқлари аниқланди. Иш тажрибаси ортиши билан гигиеник кўрсаткичларнинг ёмонлашиш тенденцияси кузатилди, бу эса ишлаб чиқариш омиллари, жумладан, юқори чангланиш, намлик ва кимёвий моддаларга таъсир билан боғлиқ эди (4-жадвал).

4-жадвал

Иш тажрибасига қараб ОНI-S индексининг тақсимооти

Иш тажрибаси	Бўяш цехи (n=70) балл	Ип йиғириш цехи (n=69) балл	Назорат гуруҳи (n=50)
5 йилгача	2,7±0,06	2,51±0,04	1,31±0,13
5-10 йил	3,14±0,05	2,75±0,05	-
10-15 йил	3,37±0,04	3,15±0,06	-
>15 йил	3,84±0,05	3,34±0,05	-

Изоҳ: корреляция $p < 0.01$ да аҳамиятли.

Бўяш цехида ОНI-S нинг ўртача қиймати $3,48 \pm 0,07$, йиғириш цехида $2,97 \pm 0,06$, назорат гуруҳида $1,31 \pm 0,13$ ни ташкил этди. Иш тажрибасининг ошиши ва оғиз бўшлиғи гигиенаси кўрсаткичларининг ёмонлашиши ўртасида статистик ишончлилиқ аниқланди ($p=0,001$). Саноат корхоналарида ишчиларининг 76,9 фоизда ёмон гигиена (ОНI-S > 3,0) қайд этилган. Бўёвчи моддаларнинг микроразрачалари чўкиши натижасида тишларда кулранг-кўнғир караш пайдо бўлиши бўяш цехи ишчиларининг 81,3% ва ип йиғириш цехи ишчиларининг 72,5% да аниқланди. Кулранг-кўнғир карашнинг учраш частотаси иш тажрибасининг ортиши билан кўпайди. 15 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга ходимларда у 89,2% ҳолатларда, 5 йилдан кам иш тажрибасига эга бўлганларда эса 63,4% ҳолатларда аниқланди. Бўяш ва ип йиғириш цехлари ишчилари ўртасида караш пайдо бўлиш частотасида фарқлар кузатилмади ($p = 0,688$). Тиш қаттиқ тўқималари ҳолатини таҳлил қилиш қариес жараёнининг интенсивлигини акс эттирувчи КПО индексидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Иш тажрибаси ошиши билан КПО индекси қийматларининг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши аниқланди.

15 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган ишчиларда КПО индекси бўйша цехида ўртача $9,8 \pm 0,06$ ни, йигириш цехида $9,1 \pm 0,05$ ни ташкил этиб, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 3,5 ва 3,25 марта юқори бўлди ($p < 0,001$).

5-жадвал

Саноат корхоналари ходимларида КПО индексининг ўртача қийматлари

Иш тажрибаси	Бўйша цехи (M±m)	Ип йигириш цехи (M±m)	Назорат гуруҳ (M±m)	p-value
5 йилгача	4,9±0,05	4,5±0,04	2,8±0,03	p < 0,001
5-10 йил	6,7±0,06	6,0±0,05	-	
10-15 йил	8,1±0,05	7,3±0,06	-	
> 15 йил	9,8±0,06	9,1±0,05	-	

Изоҳ: гуруҳлар орасидаги фарқлар $p < 0,001$ ишончлилиқ даражасида сезиларли ҳисобланади.

Иш стажи ошиши билан пломбаланган тишлар улушининг камайиши ва олиб ташланган тишлар сонининг кўпайиши қайд этилди.

6-жадвал

КПО индекси таркибий қисмларининг тақсимоги (%)

Иш тажрибаси	Бўйша цехи (К/П/О, %)	Ип йигириш цехи (К/П/О, %)	Назорат гуруҳ (К/П/О, %)	p-value
5 йилгача	55 / 38 / 7	50 / 41 / 9	34 / 31 / 5	p < 0,001
5-10 йил	61 / 32 / 7	57 / 35 / 8	-	
10-15 йил	67 / 26 / 7	62 / 31 / 7	-	
> 15 йил	72 / 18 / 10	68 / 22 / 10	-	

Изоҳ: зарарланган тишлар частотаси иш стажига боғлиқ ($p < 0,01$).

Иккиламчи адентия частотаси иш стажи ошиши билан ортиб борди. Бўйша цехида 15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ишчиларда иккиламчи адентия 34,2% ҳолатда қайд этилди, бу йигирув цехи (27,4%) ва назорат гуруҳи (14,3%) кўрсаткичларидан юқори.

Тиш қаттиқ тўқималарининг нокариоз касалликлари саноат корхона ишчиларининг 69,1% да аниқланди. Асосий гуруҳда эмал эрозияси назорат гуруҳига қараганда 1,8 баравар кўпроқ қайд этилиб, понасимон нуқсон - 2,5 баравар, патологик едирилиш 1,6 бараварлиги билан ажралиб турди.

7-жадвал

Меҳнат шароитларига қараб тиш қаттиқ тўқималарида нокариоз касалликларининг тарқалиши (%)

Нокариоз касалликлар	Бўйша цехи	Ип йигириш цехи	Назорат гуруҳ
Эмал эрозияси	52,7	43,5	25,0
Понасимон нуқсон	49,1	35,8	21,5
Патологик едирилиш	45,5	31,9	22,2

Изоҳ: нокариоз зарарланишлар частотаси узок муддатли иш тажрибасига эга бўлган ишчиларда сезиларли даражада юқори ($p < 0,05$).

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, нокариес касалликлар частотаси иш тажрибаси ошиши билан сезиларли даражада ошиши кузатилди. 15 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган ходимларда эмал эрозияси 61,9% ҳолларда аниқланган, бу 5 йилгача иш тажрибасига эга бўлган ходимларга нисбатан 1,8 баробар кўп, патологик емирилиш ҳам 1,8 баробар, понасимон нуқсон эса 1,4 баробар ошганлиги кузатилди.

8-жадвал

Иш стажига қараб тиш қаттиқ тўқималарининг нокариоз шикастланишларининг тарқалиши (%)

Иш тажрибаси	Эмальэрозияси (%)	Понасимон нуқсон (%)	Патологик едирилиш (%)	χ^2
5 йилгача	40,1	37,8	28,3	2,45
5-10 йил	48,7	41,6	33,3	2,45
10-15 йил	55,0	47,2	50,9	2,45
> 15 йил	62,8	51,3	53,8	2,45

Изоҳ: нокариоз касалликлар частотаси иш тажрибаси ортиши билан кўпаяди, $p < 0,01$.

Саноат корхоналари ишчиларида чуқур пародонтал чўнтаклар (≥ 6 мм) частотаси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори бўлган. Бўяш цехида чуқурлиги ≥ 6 мм бўлган пародонтал чўнтаклар 49,2% ишчиларда қайд этилган, бу назорат гуруҳига (12,0%) нисбатан 4,1 баравар юқори эканлиги аниқланди.

9-жадвал

СРІТN индекси компонентларининг тарқалиши (%)

СРІТN компонентлари	Бўяш цехи	Ип йиғириш цехи	Назорат гуруҳи
Қонаш	20,8***	27,3***	6,0
Пародонтал чўнтаклар 4-5 мм	19,5***	15,8***	8,0
Пародонтал чўнтаклар ≥ 6 мм	49,2***	43,7***	12,0

Изоҳ: Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар $p < 0,01$ қийматида ишончлилик кўрсатилган.

Саноат корхоналари ишчиларида чуқур пародонтал чўнтаклар (≥ 6 мм) частотаси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқори бўлган. Бўяш цехида чуқурлиги ≥ 6 мм бўлган пародонтал чўнтаклар 49,2% ишчиларда қайд этилган, бу назорат гуруҳига (12,0%) нисбатан 4,1 баравар юқори эканлиги аниқланди. Йиғирув цехида ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар 43,7% ишчиларда аниқланди. Олинган маълумотлар оғир яллиғланиш жараёнидан далолат беради ва касбий меҳнат шароитлари ва пародонт касалликлари ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлайди. 5 йилгача иш тажрибасига эга бўлган ишчиларда милклардан қон кетиши устунлик қилди, бу бўяш цехида 53,4% ҳолларда ва йиғирув цехида 49,1% ҳолларда қайд этилди. 15 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга ходимларда чуқурлиги ≥ 6 мм бўлган пародонтал чўнтаклар устунлик қилди (мос равишда 53,9% ва 48,6%). Пародонт тўқималари шикастланишининг оғирлигини акс эттирувчи КПИ индексининг ўртача қийматлари тўқимачилик саноати ишчиларида ($4,2 \pm 0,05$) назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган.


Иш тажрибасига қараб тиш карашининг ўртача қийматлари (баллар)

Иш тажрибаси (йил)	Бўяш цехи (M±m)	Ип йигириш цехи (M±m)	Назорат гуруҳи (M±m)	p-value
0–5	3,85±0,26**	3,63±0,24**	2,12±0,13	p < 0,01
6–10	1,23±0,15**	1,01±0,14**		
11–15	0,38±0,12***	0,26±0,10***		
>15	0,07±0,03***	0,04±0,02***		

Изоҳ: иш тажрибасининг ошиши тиш карашининг индексининг юқори қийматлари билан боғлиқ ($p < 0,01$).

Касбий омилларнинг пародонт тўқимасига сезиларли таъсири клиник маълумотлар билан тасдиқланган. Саноат корхоналари ишчиларининг 94,5 % пародонт касалликлари аниқланган, бу назорат гуруҳининг худди шу кўрсаткичидан 4,3 баравар юқори эканлиги аниқланди.

CRITN индекси гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатди. Милклардан қон кетиши бўяш цехи ишчиларининг 20,8% да ва йигириш цехи ишчиларининг 27,3% да қайд этилган, бу назорат гуруҳидан сезиларли даражада юқори. 4-5 мм чуқурликдаги пародонтал чўнтаклар бўяш цехида 19,5% ва йигириш цехида 15,8% ишчиларда аниқланди, бу назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 2,4 ва 2,0 баравар юқорилиги асосланди. Бўяш ва йигириш цехлари ишчиларида чуқур пародонтал чўнтаклар (≥ 6 мм) мос равишда 49,2% ва 43,7% ҳолларда аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги натижадан анча юқори эканлиги қайд этилди (1-расм).



1-расм. Иш тажрибасига қараб CRITN компонентларининг тарқалиши даражаси

Иш тажрибаси ортиши билан пародонт касалликларининг оғирлик даражаси ортиб борди. 5 йилгача иш тажрибасига эга бўлган ишчиларда милклардан қон кетиши устунлик қилди (бўяш цехида 53,4% ва йигириш

цеҳида 49,1%). 15 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган гуруҳда чуқурлиги ≥ 6 мм бўлган пародонтал чўнтаклар мос равишда 53,9% ва 48,6%ни ташкил этди.

Иш тажрибасига боғлиқ ҳолда КПИ индексини таҳлил қилиш орқали ишлаб чиқариш омиллари таъсири давомийлиги ва пародонт касалликларининг оғирлиги ўртасида сезиларли боғлиқлиги аниқланди. 5 йилгача иш стажига эга бўлган ходимларда КПИ индекси ўртача $1,98 \pm 0,06$ бўлган пародонтнинг энгил даражадаги зарарланиши кўпроқ кузатилди. Иш тажрибаси ортиши билан касалликларнинг ўртача оғир ва оғир шакллари кўпайиши қайд этилди. КПИ индексининг ўртача кўрсаткичлари 6-10 йил иш стажига эга бўлган ходимларда ўртача $2,98 \pm 0,06$ ни, 11 йилдан 15 йилгача ва 15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган ходимларда эса мос равишда $3,69 \pm 0,05$ ва $4,04 \pm 0,04$ ни ташкил этди.

Пародонт касалликларининг оғир даражаси бўйича цеҳида ишлайдиган ишчиларнинг 43,6% ва йигирув цеҳида ишлайдиган ишчиларнинг 38,4% да аниқланган, бу назорат гуруҳидан (12,0%) 3,6 ва 3,2 баравар юқори эканлиги намоён бўлди. Ўртача оғирлик даражаси мос равишда 39,9% ва 35,8% ишчиларда қайд этилган, назорат гуруҳида эса - 22,0% ни ташкил этди.

11-жадвал

Иш стажига қараб КПИ индексининг ўртача қийматлари (баллар)

Иш тажрибаси (йил)	Бўйаш цеҳи (M±m)	Ип йигириш цеҳи (M±m)	Назорат гуруҳи (M±m)	p-value
0–5	$2,05 \pm 0,06$	$1,94 \pm 0,05^*$	$2,1 \pm 0,04$	$p < 0,05$
6–10	$3,12 \pm 0,05^{**}$	$2,84 \pm 0,05^{**}$		
11–15	$3,78 \pm 0,04^{**}$	$3,65 \pm 0,04^{**}$		
>15	$4,38 \pm 0,05^{***}$	$4,04 \pm 0,04^{***}$		

Изоҳ: назорат гуруҳи билан фарқлар статистик ишончли: * - $p < 0,05$; **

12-жадвал

Пародонт касалликларининг оғирлик даражаларининг тақсимланиши (%)

Гуруҳ	Ривожланиш хавфи (%)	Энгил даража (%)	Ўрта оғир даража (%)	Ўрта оғир даража (%)
Бўйаш цеҳи	12,4%	12,0%	39,9%	43,6%
Ип йигириш	11,0%	19,3%	35,8%	38,4%
Назорат гуруҳи	19,3%	36,6%	22,0%	12,0%

Изоҳ: назорат гуруҳи билан фарқлар статистик ишончли: * - $p < 0,05$; **.

Рентгенологик текширувда суяк тўқимасида деструктив ўзгаришлар, периапикал зарарланишлар ва тиш атрофи кисталари аниқланди. Бўйаш цеҳи ишчиларида алвеоляр ўсиқ баландлигининг пасайиш частотаси 28,57% ни ташкил этди, бу йигирув цеҳи кўрсаткичларидан (17,65%) 1,6 баравар ва назорат гуруҳидан 2,4 баравар юқори ($p < 0,05$). Бўёқхона цеҳидаги ишчиларнинг 25,71 фоизида периапикал шикастланишлар аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич йигириш цеҳига (14,71%) нисбатан 1,8 баробар ва назорат гуруҳига нисбатан 2,1 баробар юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,05$).


Саноат корхоналари ишчиларида асосий рентгенологик ўзгаришлар частотаси (%)

Ўзгаришлар	Бўяш цехи (%)	Ип йигириш цехи (%)	Назорат гуруҳи (%)	p-value	χ^2
Альвеоляр ўсик баландлигининг пасайиши >35%	28,57	17,65	12,00	<0,05	0,3
Периапикал зарарланишлар	25,71	14,71	12,00		-
Тиш атрофи кисталари	22,86	11,76	8,57		-

Изоҳ: назорат гуруҳи билан фарқлар статистик ишончли ($p < 0,05$).

Энг катта ўзгаришлар бўяш цехи ишчиларида қайд этилди, бу ерда альвеоляр ўсик баландлигининг пасайиш частотаси, периапикал шикастланишлар ва тиш атрофи кисталари назорат гуруҳига қараганда юқори эди.

